

228_Tietoa eristyspäättöksen saanelle_1
[uzbekki]

Яккаланган шахслар учун маълумотлар

Сизда COVID-19 инфекцияси тасдиқланганлиги учун сизни яккалаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Яккаланишнинг мақсади коронавируснинг бошқа одамларга тарқалишининг олдини олишдир. Яккаланиш тўғрисидаги қарор Юқумли касалликлар тўғрисидаги Қонунга асосан қабул қилинди.

Яккаланишининг давом этиш даври тўғрисидаги маълумотлар ушбу буйруқ билан боғлиқ ҳолда тақдим этилади. Яккаланиш даври одатда энгил симптомларга эга бўлган шахслар учун симптомлар бошланган кундан бошлаб 7 кун ва касалхонага ётқизилиши керак бўлган шахслар учун 14 кунни ташкил қилади. Яккаланиш икки кун кетма-кет симптомлар бўлмагандан кейин тўхтатилиши мумкин. Агар сиздаги инфекция намуналар олиш орқали тасдиқланган бўлса ва сизда симптомлар бўлмаса, яккаланиш даври намуналар олинган кундан бошлаб 7 кунни ташкил қилади.

Яккаланиш нимани англатади?

Яккаланиш квартирангиздан чиқмаган ҳолда ўтказишингиз керак бўлган вақтдир. Сиз бошқа одамлар билан яқин алоқада бўлмаслигингиз ва хонадонингизда қолишингиз керак. Масалан, ишхонангизга, мактабга, кундузи қатнайдиغان жойларингизга, кўнгилочар жойларга, дўкон ва дорихоналарга бормаслигингиз керак, чунки бундай жойларга одамларга яқин келишнинг олдини олиш жуда қийин. Уйингизга меҳмон чақирмаслигингиз ва таомларингизни буюртма қилишингиз керак.

Агар сизга ҳеч ким озиқ-овқатлар ёки дориларни етказиб бера олмаса, 09 310 44400 ишонч телефони орқали Ижтимоий хизматларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Касаллик юқтириш хавфини камайтириш учун уйингизда яшаётган бошқа кишилардан узоқроқ туришингиз керак. Имкони борича алоҳида хонада яшашингиз керак. Қўлларни тоза тутиш ва йўтал гигиенасига амал қилиш муҳимдир.

Хаттоки итингизни сайрга олиб чиққанингиз ёки ахлатни ташқарига олиб чиққанингизда ҳам одамлар билан яқин алоқадан қочишингиз керак

Касалликни даволаш

Агар сизда касаллик симптомлари энгил бўлса ва сиз ҳеч қандай хатар гуруҳига кирмасангиз, уйда қолишингиз мумкин. Коронавирус тестингиз натижаларини сизга бераётган вақтда соғлиқни сақлаш маркази шифокори ёки ишхонадаги соғлиқни сақлаш шифокори вазиятингизни баҳолайди. Касал бўлганда дам олиш ва етарли миқдорда суюқлик ичиш муҳимдир. Дорихоналардаги рецептсиз сотиладиган дорилар билан оғриқ ва истимани пасайтиришингиз мумкин.

Агар нафас қисиши каби жиддий симптомлар пайдо бўлса ва умумий соғлигингиз ёмонлашса, соғлиқни сақлаш станциянгизга ёки шаҳарнинг Коронавирус бўйича ишонч телефони 09 310 10024 га қўнғироқ қилинг (ҳар куни соат 8 дан 18 гача очиқ). Бошқа вақтларда Тиббий ёрдам ишонч телефони 116 117 га қўнғироқ қилинг. Агар сизда тўсатдан кўкрак оғриғи каби дарҳол даволашни талаб қилувчи симптомлар мавжуд бўлса, фавқулудда ҳолатлар телефони 112 га қўнғироқ қилинг.

228_Tietoa eristyspäätöksen saanelle_1
[uzbekki]

Агар фарзандингизга COVID-19 ташхиси қўйилган бўлса ҳам сизга бу маълумотлар варақаси тақдим этилади. Агар фарзандингизда қуйидаги симптомлар пайдо бўлса, сабаби ёки аввалдан мавжуд шартлардан қатъий назар дарҳол шифокорга кўрининг.

- нафас олишдаги қийинчиликлар
- қизариш ёки терининг кўкариши
- бола етарли даражада суюқлик ичмаяпти
- бола кўп миқдорда ёки узлуксиз қайт қиляпти
- бола ҳеч нарсага жавоб бермаяпти ва уни уйғотиб бўлмаяпти
- бола шунчалик жаҳлдорки, уни ушлаб туришларини хошламайди
- симптомлар йўқолади, бироқ истима ва янада ўткирроқ йўталлар билан қайталайди

Даромаднинг йўқотилганлиги учун товон пули

Сиз яккаланишингиз туфайли давомаднинг йўқотилганлиги учун юқумли касаллик нафақасини олиш ҳуқуқига эгасиз. Бунинг учун Ижтимоий суғурта институтига (Kela) ариза берилиши мумкин. Сиз Хельсинки шаҳар юқумли касалликлар шифокори томонидан ёзилган яккалаш тўғрисидаги қарорни оласиз, у аризангизга илова қилиниши керак. Яккаланиш тўғрисидаги қарор сизга рўйхатга олинган хат ёки хавфсиз электрон хат сифатида сизга автоматик тарзда юборилади. Аризангизни яккалаш тўғрисидаги қарор чиққанидан кейинги икки ой ичида Kela ташкилотига юборишингиз керак.

Юқумли касалликлар бўйича нафақа ишга бормаслик, яккаланганлик ёки карантин натижасида йўқотилган даромад учун тўлиқ товон пулидир. Ходимларнинг кунлик нафақаси ишга борганида олиши мумкин бўлган иш ҳақига асосланган ҳолда ҳисобланади. Тадбиркорга бериладиган кунлик нафақа ишга бормаслик бошланган кунда амалда бўлган ўз-ўзини банд қилувчи шахслар (YEL) ёки фермерларнинг (MYEL) пенсия суғурталарини ҳисоблаш схемаларига кўра йиллик даромадлари бўйича аниқланади. 16 ёшдан кичик болалар карантинга олинганларида ва шунинг учун уларнинг васийлари ишлай олмаган ҳолларда бундай васийларга юқумли касаллик нафақаси тўланади. Батафсил маълумотларни <https://www.kela.fi/web/en/sickness-allowances-infectious-disease> сайтдан олиш мумкин.

Яқин контактларингизга карантин тўғрисида мурожаат қилинади

Хельсинкидаги Эпидиомологик операциялар бўлинмаси яқин контактларингиз харитасини тузиб чиқади ва уларнинг карантин даврларини аниқлайди. Карантиннинг давомийлиги касаллик юқтирган шахс билан сўнги яқин алоқада бўлган вақтдан бошлаб 10 кунни ташкил қилади. Агар уйингизда бошқа кишилар ҳам яшашса, карантин давомийлиги биринчи касаллик юқтирган шахсда симптомлар пайдо бўлганидан бошлаб ёки симптомсиз одамлардан тест учун намуналар олинган санадан бошлаб икки ҳафтани ташкил қилади.

Яккалаш қоидаларига амал қилиниши шарт

Юқумли касалликлар бўйича ваколатли органлар томонидан буюрилган яккалаш қоидаларига қатъий амал қилиниши шарт. Финляндия қонунига кўра карантин ёки яккалаш қоидаларини бузганлик учун хаттоки сиз ҳеч кимга касаллик юқтирмаган ҳолларда ҳам соғлиқни сақлаш қоидаларига қарши жиноят сифатида жазоланишингиз ва бунинг учун жарима ёки уч ойгача қамоққа олиш жазоси тайинланиши мумкин.